



Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси II ҚУРУЛТОЙИ ҚАРОРИ

2025 йил 14 август

II-3-сонли

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг
2026-2030 йилларга мўлжалланган Стратегик йўналишлари тўғрисида

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг
2026-2030 йилларга мўлжалланган Стратегик йўналишлари лойиҳаси юзасидан
ахборотни тинглаб Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси
II Қурултойи қарор қилади:

1. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг
2026-2030 йилларга мўлжалланган Стратегик йўналишлари тасдиқлансин
(илова қилинади).

2. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика
кенгашига:

-Қурултой делегатлари томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни
эътиборга олган ҳолда ҳар йили стратегик йўналишларни амалга ошириш бўйича
аниқ муддатли ва манзилли чора-тадбирлар режаси (“йўл харитаси”) ишлаб
чиқирилиши ҳамда амалга оширилишини таъминлаш;

-чора-тадбирлар режаси бажарилишини Республика кенгаши
Мажлисларида мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш;

-касаба уюшмаси Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳудудий
бўлинмалари ва туман (шаҳар) бўлинмалари ҳамда бошланғич ташкилотларига
стратегик йўналишларда кўзда тутилган вазифалар бажарилишида амалий ҳамда
услубий ёрдам кўрсатиб бориш топширилсин.

3. Касаба уюшмалари Республика кенгаши Ижроия қўмитасига:

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг
2026-2030 йилларга мўлжалланган Стратегик йўналишлари Республика
кенгашининг расмий веб-сайти ҳамда оммавий ахборот воситаларида кенг
ёритиш;

-Республика кенгашининг йиллик иш режасида стратегик йўналишлар
ҳамда уларни амалга ошириш бўйича аниқ муддатли ва манзилли вазифалар
белгиланиши ҳамда бажарилишини таъминласин;

-белгиланган вазифалар ижросини чуқур таҳлиллар асосида Мажлисларида
доимий равишда кўриб борсин;

-Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг
2026-2030 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишларини тизимдаги ҳар бир
ҳудуд, туман (шаҳар) ва бошланғич ташкилотларигача етказсин;

-қуйи ташкилотларнинг стратегик йўналишларда белгиланган вазифаларни
бажариш борасидаги фаолиятларини йўналтириб ва мувофиқлаштириб борсин,
уларга амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатсин.

Раислик қилувчи: